

БОЛАЛАР, ЎСМИРЛАР ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — ҲАЁТИЙ МАСАЛА

АНЖУМАН



## МУКАММАЛЛИК САРИ

Шу йилнинг 30-31 март кунлари Тошкентда Америка юристлар ассоциациясининг Марказий ва Шарқий Европа ҳуқуқий ташаббус дастури (ABA/CEELI) Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташиклоти, Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистон судьялар ассоциацияси ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети ҳамкорлигида "Суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлилигини текширишнинг процессуал тартибини такомиллаштириш" масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

## КЕЛАЖАГИМИЗ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

### буни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

Ўтган жума кuni Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида Вази́рлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлиси комиссия раиси, Республика Бош прокурори, I даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашид Қодиров олиб борди.

Йиғилишда комиссия аъзолари, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари — вилоятлар комиссиялари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари иштирок этдилар.

Мажлисида кун тартибига қўйилган иккита масала — Тошкент, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳамда Ички ишлар идоралари нозирликлари томонидан амалга оширилган ишларни ўрганиш натижалари ҳамда мазкур вилоятларда вояга етмаганларнинг ўз жонларига қасд қилиши ҳолларининг олдини олиш ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда шарт-шароитларини бартараф этиш борасида амалга оширилган ишларнинг натижалари кўриб чиқилди.

Ҳар иккала масала юзасидан Вази́рлар Маҳкамаси ҳузуридаги комиссия раисининг ўринбосари, Ички ишлар вази́рининг ўринбосари Ботир Парлиев маъруза қилди.

Маърузачи таъкидлаб ўтганидек, комиссиялар зиммасига вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолишлари, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлари сабабларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш вазифаси юклатилган. Шунингдек, улар давлат идоралари, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириб боришлари зарур. Бироқ, текширишлардан маълум бўлишича, айрим вилоятларда комиссиялар фаолияти ҳанузгача тўғри ташкил қилинмаган, масъулиятсизлик, ўзибуларчилик ҳолатлари ҳамон давом этмоқда. Масалан, Тошкент вилоятидаги комиссияларнинг иш режалари ҳақиқий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда тузилмаган,

айрим шаҳар, туманлар комиссияларида масъул котиб лавозимлари ҳанузгача бўш турибди. Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг комиссияси ҳатто қабул қилинган айрим қарорларни ижро этиш учун қуйи комиссияларга юбормаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Жиззах вилоятининг айрим шаҳар ва туман комиссиялари томонидан эса қонунга зид қарорлар қабул қилинишига йўл қўйилган.

Ушбу вилоятлардаги комиссиялар ҳеч қаерда ўқимасдан, ишласандан юрган ўсмирларнинг бандлигини таъминлашнинг таъсирчан чораларини кўрмаганлар. Шунингдек, Ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи нозирлар фаолиятида жиддий нуқсонлар мавжуд.

Маърузада тилга олиб ўтилган масалалар юзасидан Тошкент, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялари раислари ва прокурорлари тушунтириш бердилар.

Комиссия раиси, Республика Бош прокурори Р. Қодиров йиғилишга яқин ясар экан, вояга етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг таълим-тарбия олишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш борасида юқорида номлари тилга олинган вилоятлардаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг фаолиятини кескин танқид қилиб, жорий йилнинг биринчи чорагида улар томонидан амалга оширилган ишларни қониқарсиз деб топди.

— Айниқса, ёшларга, келажакимиз эгаларига муносиб шарт-шароит яратиш мақсадида йўналтирилган бюджет маблағларининг мансабдор шахслар томонидан талон-тарож қилиниши кеңибди бўлмас ҳолдир. Бундай ҳолларга қатъий чек қўйиш, фарзандларимиз учун ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини назоратга олиш зарур. — деди Бош прокурор пировардида.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишдан лавҳаларни сураткаш М.НУРИНБОЕВ тайёрлаган

Анжумани Ўзбекистон судьялар ассоциацияси раиси А.Тўхташев бошқариб борди.

Конференцияда сўзга чиққан Америка юристлар ассоциациясининг Ўзбекистондаги вакили Эллиот Алхадеф, Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчиси Гордон Ингхэм ва бошқалар Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, унинг роли, аҳамияти тўғрисида гапириб, бу ишларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини тўлақонли таъминлашига эришиш эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Анжуманда сўз олган Буюк Британиялик судья Колин Маккей ва Польша судьялар ассоциацияси президенти, Олий суд, меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Мария Тереза Ромерлар мамлакатларидаги суд тизими ҳақида

гапириб бердилар. Шунингдек, икки кун давом этган анжуманда "Суд қарорларининг қонунийлиги, асослигини текширишнинг умумий тартиби", "Ишларни апелляция тартибиде кўриш асослари", "Ишларни апелляция тартибиде текширишнинг ўзига хос хусусиятлари", "Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг мустақиллиги кафедралари" мавзулари муҳокама қилинди. Мазкур мавзулар бўйича сўзга чиққан адвокат Г.Эшонхонова, фуқаролик ишлари бўйича суд судьяси С.Эшонжулов, Олий суд судьяси С.Қодировлар ўз тақлиф ва фикрларини баён қилдилар.

Конференция сўнгиде жаноб Эллиот Алхадеф конференция ҳомийси — Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонасига ва ташриф буюрган барча иштирокчиларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

(Ўз муҳбиримиз.)



Суратда: Анжумандан лавҳа. А. ТУРАЕВ олган сурат

## Моҳият

Халқ учун нондан  
сўнг энг муҳими  
мактабдир.

Ж. ДАНТОН

Ушбу сонда

## ШАКЛИЙ МОҲИЯТ ВА МАНТИҚИЙ ЙЎНАЛИШ

Бугунги дунё инсони бир бутунлик сари интилмоқда. Синергетик, герменевтик қарашлар эса унинг шаклий моҳият ва мантиқига айланиб бўлган.

3  
бет

## ОЙ ЙИҒЛАГАН ОҚШОМЛАР

... Чуқур-чуқур нафас олаётган укамнинг кўзлари катта очилиб кетди. Аланглаб кимнидир қидира бошлади. Сўнг яна кўзларини оҳиста юмиб олди.

6  
бет



НУҚТАИ НАЗАР

АКС-САДО

СУД ТЎҒРИ

ҚАРОР ЧИҚАРГАН

Ҳурматли Бош муҳаррир!  
Авало ўзимни таништирсам.  
Мен *Олтиариқ туманидаги 26-ўрта мактабда директор бўлиб ишлайман, шунингдек, 15 йилдан буён туман судида халқ маслаҳатчилари кенгашининг раиси (жамоатчилик асосида) сифатида фаолият кўрсатиб келмоқдаман.*

«Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетаси чиқа бошлаганлик вақтдан бошлаб уларнинг ҳар бир сонини кузатиб бораман. Гапнинг ишдалосини айтганда, нашрларингиз фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва онгини оширишда муҳим мавқея эга. Бунга мен ўз фаолиятим мисолида амин бўлганман.

Менинг таҳририятга хат йўллашимга сабаб газетада чоп этилган «Тарознинг икки палласи» (2001 йил, № 7 (177) номли мақола бўлди. Унда Пахтачи туман ҳокимлиги ва туман судининг ҳал қилув қароридан кўчирмалар келтирилганди. Материал билан танишиб чиққач, менда суд қарорини қувватлаш фикри пайдо бўлди. Чунки, оила ҳам кичик бир Ватан. Умажбурий талаблар асосида эмас, балки ўзаро ишонч, меҳр ва муҳаббат асосида қурилиши лозим.

Н.Отақуловлар оиласида эса ана шундай фазилатлар етишмаслиги сабабли судга даъво билан чиқилган. Чунки кўнгил деган бўстонда тиконлар бўй кўрсатган. Мен бунда оила соҳибасига айбни ағдармоқчи эмасман, лекин фарзандларини ташлаб ота-онасиникига оилаб кетиб қоладиган, туман ҳокимлигининг маъсул ходимлари эр-хотинни яраштириб қўйиш чораларини кўраётган димларда ён беришни истамаган, суднинг оқилона маслаҳатларига қўлоқ тутмаган аёл ҳақида ижобий фикр айтишга ҳам қийналанман. Менимча, Х.Эшпўлатова оиласининг, болаларининг келажоғини ўйлаб турмуш ўртоғи билан тинч-товуш яшаб кетса бўларди, бунинг учун вақт ҳам, имконият ҳам бор эди.

Ҳозирда Н.Отақулов тўрт нафар фарзандини бағрига олиб, етказмақда экан.

Мен Х.Эшпўлатовадан тақдире тан беришни, болалари тирик етим бўлиб қолмасликларини учун собиқ эрининг устидан шикоятлар ёзишни тўхтатишни сўрайман.

Хулоса сифатида айтганим бўлсам, туман суди тўғри қарор чиқарган.

**Бахтиёржон ЭЛЧИВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Халқ тағлими аълочиси.  
Фаргона вилояти

Республикамиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишига мувофиқ мамлакатимизнинг барча мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курслари ўқитилмоқда. Бу борадаги ишлар Нукус Давлат университетидан ҳам яхши йўлга қўйилган.

Суратда ҳуқуқшунослик фанлари доктори Е. Қулибоева ҳуқуқшунослик факультети талабалари билан Асосий қонунимизни ўрганишга бағишланган машғулотни ўтказмоқда.

йўналиш излашдек мангу укубатдан нарига ўтолмаган инсон энди ўз моҳияти ва мантиқи томон юз бурди.

Сабаб?!  
Йўқотишлар ўта пастлагандан сўнггина моҳият юз оцади ва ўз шаклини намоён этади.

— Нега қаддинг эгик, нега бошинг ҳам,

Нега нигоҳингни тортади тупроқ?

— Менинг ер устида танишларим



# ШАКЛИЙ МОҲИЯТ ВА МАНТИҚИЙ ЙЎНАЛИШ

кам,  
Менинг ер остида дўстларим кўпроқ.

(Абдулла Орипов)

Инсон моҳияти ва мантиғи йўналишининг биринчи шакли ДИИдир. Дин аслида инсониятнинг бойлиги, у инсонлар онгига сайқал берди. Лекин шайтоний қарашлар боис инсон динга ҳам сохталик либосини кийдирди. Ҳатто Миср подшоҳи Фиръавннинг «мўъжизакор» ўлими ҳам инсоннинг кўзини очмади. У асл Моҳиятнинг мантиғидан юз ўгириди, ақидапарастиликка юз бурди. Ҳолбуки, биргина Ислому олами инсонга муҳаббат кўзи билан қарашни, руҳият тозаллигини эътироф этади. Ислому дини бағрида неча-неча фазлу камоллар тасавуф булогидан қониб тарбият топганлар.

Яратилмишларнинг мантиғи Аллоҳнинг ўзи эмасми?! Илоҳ қудратининг бир шакли бўлмиш тасавуф бағрида ақл лол қоларли даражадаги мўъжизалар содир бўлган. Илоҳ руҳи покларга ўз мўъжизаларини совға қилдики, токи Инсон Илоҳнинг бирлиги ва борлигига шубҳа этмасин.

## ҚУРЪОННИНГ ЎЗИ БУЮК МЎЪЖИЗА ЭМАСМИ?

«Аллоҳ энг гўзал сўзни бир-бирига ўхшаган тақорор-тақорор келувчи бир китоб - Қуръон қилиб нозил қилдики, Парвардигоридан кўрайдиган элларнинг терилари... баданлари... титраб... Аллоҳнинг зикри билан юмшаган».(Зумар сураси, 23-оят).

Дин инсонни эзгу хислатларга рўбарў этади, ёвузликдан қайтарди, оқибат инсон динга ҳам хиёнат этади. Бу хиёнатларнинг энг чиркинни, кечириб бўлмайдигани эди.

«Дин биланки одамлар шу қадар, динсизликда нима бўлади?!» деган экан америкалик комусий олим Бенжамин Франклин.

Буни қандай тушуномқ керак? Тарих пиллаполярлидан тезда юқорига - ўз замонамизга қайтайлик.

Ўзбекистонда эркинликка асосланган давлатга хос муносабатлар жорий этилган. Аввало, Ислому дини халқнинг эътиқодига айланиб бўлган. Лекин... Энг ачинарлиси,

бўлди.

Инсон Мусо алайҳиссалом давлатларидан чекиниб, «жаҳон инсонизми»га юз бурди.

Ҳа, Инсон яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик даввоси билан яшашни давом эттирвереди. Бу ҳол фикримизнинг аввалида айтганимиздек, маъшар қунига қадар чўзилади.

Инсон моҳияти ва мантиқи йўналишининг иккинчи шакли санъатдир. Шу ўринда шунини таъкидламоқни жоиз топдикки, Инсон ўзи эҳтиёж сезиб яратган санъатга ҳам «суйил юборди». Қолаверса, санъатнинг туғилиши Инсоннинг ўз қилмишларига иқдор бўлишини ҳам тугдирди.

«Ҳеч ким охиригача иқдор бўлолмайди, айни вақтда иқдор бўлмасдан туриб, ўзининг намоён қилишини мумкин эмас»(Р.Акутгава)лигини инсон англаб етди. Англаган бу дунё - Янги Дунё эди. Ҳар бир инсон қалб мусиқаси ила гўзалликка ёнмаён келди, мусиқа оҳанглари бирлашди - Инсон инсонийлик мантиқи яқнаш эканлигини шафқатсиз ҳаёт манзаралари орасидан топа билди. Инсон ана ўз моҳиятини, руҳий мавқеини санъатда кўрди. Оҳанглар, образлар,

таъсирлар, шакллар бирлашиб, янги дунё дунё инсонини яратди.

Тафаккур оролига кириб борган санъатгина шаклпарастиликни бир чеккага суриб, ҳаёлот иштироки билра бой бўлган асар яратга олади.

Ана шундай тафаккур булогидида чўмилган санъат инсонни воқеъликдан буткул узиб ололмайди, балки воқеъликдаги моҳиятнинг мантиқий йўналишини кўрсатиб туради.

Бутунги дунё инсонни бир бутунлик сари интилкоқда. Синергетик, герменевтик қарашлар эса унинг шаклий моҳият ва мантиқига айланиб бўлган.

Қачонки, иждоийлик мувозанати сақлаб қолинсагина, санъат қирғинбарот бўлмайди. Уйлайманки, Янги Инсон Ўз йўналишига инқилобчи иходкор сифатида қарай олади.

Учинчи минг йиллик бўсағасида турган бу Янги Инсон сиз билан бизмиз, азиз замондош!

**Равно ЮСУПОВА,**  
Новий вилоят «Ийл ўқитувчиси» танлови совриндори



**БИЗ ШУНДАЙ ХАЛҚМИЗ****МАНГУ ҚОЛМОҚ  
САОДАТИ**

... Самарқанд кўчаларидан бири бугун унинг номи билан аталади. У "Ситора" халқаро консорциумига келувчиларни диққатли ва ёқимли қарашлар билан кутиб олади. Унинг бу портрети фарзандларнинг отага ҳурматиғина эмас. Балки "яхшилик қилишга шошилишлар" деган давватини тез-тез ёдга солишнинг ўзинга хос бир белгиси ҳамдир. Мавлон Собиров ҳаётининг асосий мазмунини адолат тантанасига, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга бағишлаган фидойилардан бири эди.

...1937 йил, Самарқанд. Изгири ҳазонларни кўча бўйлаб қувади. Қайларгадир шошаётган йўловчилар бир тахлам газета кўтарган йигитчага эътибор ҳам беришмайди. Йигитча совуқдан титрайди, эти жунжикиб кетади. Аксига олиб, газета оладиган одам ҳам йўқ.

Ногаҳон қаттиқ бақирқандан йўловчилар қотиб қолишди: "Охунбобоев дунёдан ўтди! Охунбобоев бизни ташлаб кетди! Газетанинг махсус сонини ўқинг!"

Худди ер остидан чиқаргандай НКВД ходимлари келиб, болакаини судраб кетишди. Бу нағмаси учун унинг умри аввали Сибирининг тиконили симири ортида ўтиши аниқ эди. Боланинг бахти бор экан. Унинг иши ёш судья Мавлон Собировга тушди.

Жазони юмшатишнинг ягона йўли ўлганга чиқарилган кишига илтимос билан чиқиш эди. Йўлдош Охунбобоевнинг телефон рақамини терди. Тушунтирди, болакай газетасининг сотилмаганидан совқотиб, аҳмоқлик қилиб қўйган.

Симининг у томонидан шундай жавоб келди: "Агар мени ҳаётимда кўриб қўйишган бўлса, демак умрим узок бўлади. Шунга дейишди-ку. Судланувчини қўйиб юборинг."

Бу кўнгирок Мавлон Собиров учун ҳам изсиз кетмади. Айрим масалаларга ҳуқуқий баҳо беришда Йўлдош Охунбобоев у билан маслаҳатлашадиган бўлди.

Никожи бекор бўлган аёлларнинг аҳоли юристини кўп бевозта қиларди. Эридан ажрашган хотин болалари билан уй-жойсиз кўчада қолади. Бундай муаммага дуч келган қонун посбони аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун қатъий турди. Ҳеч кимнинг аёлини кўчага ҳайдашга ҳаққи йўқ. Бу гап бугун Самарқандга тарқалди. Бу масала қонун билан тартибга солиниши керак.

Бир жиноят иши суддан судга ўтарди. Бу гуруҳни ҳукм қилишга ҳеч ким ботина олмади. "Кимнинг яшаш жонига теккан бўлса, ҳукм қилади", деган таҳдид ошқора айтилган эди. Аммо Мавлон ака шундай қалтис ишга қўл уришга журъат этди. Яхшилар ҳавф ҳақида ўз вақтида огоҳлантиришди. Оиласи билан маълум вақтгача қариндошлариникида яшайди. Кейин ўз уйига қайтди ва ҳовлиси ўрнида ёниб қолган кул бўлган уянинг қолдиқларини кўрди...

Унинг шахси ва жасоратини намоян қиладиган воқеалар кўп бўлган. У ўтказган, бошқарган суд жараёнлари кўнчилигининг эсидан чиқмади. Шу сабаб Мавлон Собиров республикада биринчи бўлиб "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист" унвонини олган. 1967 йилда унга берилган нишон гувоҳномасида 001 рақами битилган.

Мавлон аканинг отаси халқ бахчисини Мирзо Собир Самарқандий бўлган. У падаридан баравақт ажралди. Онаси оқ ювиб, оқ тарари. Акаси оиллага уяниқ бўлди. У этиқдўзлик қиларди. Мавлон унга ёрдам берарди. Мактабда яхши ўқишга ҳам улгурарди. Тошкентда очилган Ўрта Осиё юридик мактаби уни бағрига қорлади. Тингловчиларга бепул нонушта ваъда қилинган эди. Бунинг бир тасодиқий ҳол дейилса, қолган қисматини ўзи яратди. Интилиши зоё кетмади. Мартабаси оша борди. М. Собиров бир неча ойгача Каттакўрғон шаҳар судида судья ёрдамчиси бўлиб ишлади, кейин терговчи этиб тайинланди.

Уч йил прокуратурада тезкор ходим бўлиб ишлаш унинг энг яхши фазилатларини намоян қилди: интизом, ҳақонийлик, қонунга суяниш. Холисона ишлайдиган йигитни халқ судьялигига тавсия қилишди.

Ушанда у 24 ёшда эди. "Олий суд аъзоси қилиб тайинлансин". Ушбу қисқа сатрга кўзи тушганда кўнгли тоғдек кўтарилди.

Уруш йилларида Мавлон Собиров Самарқанд ва Бухоро вилоятлари судлари аъзоси бўлиб ишлаб, ҳарбий хизмат билан боғлиқ мураккаб ишларни кўрди. Бу даврда унга ҳарбий юристлар катта лейтенанти унвони берилди. 1946 йилда юристлар малакасини ошириш олий курсига ўқишга кирди. Анча тажриба орттирган бўлса-да, билим барибир жуда зарур бўлишини яхши англади. Олий курсдан сўнг университетнинг юридик факультетини тугатди.

"Телефон ҳуқуқи" гуллаб-яшнаган пайт эди. Айримлар қонунни "чўнтак" хизматчисига айлантдириб қўйганди. Мавлон ака эса бундай ҳол билан келиша олмади эди, мабодо юқоридан қўсувга олишса, ҳеч иккиланмай "яхшиси бўлиши кўяқолинлар", деб жавоб берарди.

Мавлон ака аниқликни ҳуш кўрарди. Бошқалардан ҳам шунини талаб қиларди. Суд мажлисида адвокат ёки прокурор кечикиб келса, эътироз билдириб ўтирмасди. Интизомсиз ходимга нисбатан ҳусусий ажрим чиқарарди-қўярди.

Уни "қўтиб" қўйишмоқчи бўлишарди, лекин урдасидан чиқибшолмасди. У номини пок сақлади. Нафақага чиққан, жамоат ишига шўнғиб кетди. Самарқанддаги "Олмазор" маҳалласи кўмитаси расми этиб сайланди.

Бу маҳалладагилар жиноят нима билишмайди. Чунки Мавлон Собиров уйма-уй юриб, ҳар бир нарсадан хабардор бўлар, ҳар қандай ёвузликнинг вақтида олдини оларди.

Унинг фарзандлари ҳам ҳаётда ўз ўрнини топди. Ҳусайн ота касбининг давом эттиратти. Набираси Дилнора ҳам ҳуқуқшунос. Яна бир ўли эса катта тадбиркор. У чет элларда ҳам ваколатхоналарига эга бўлган "Ситора" халқаро консорциумига аъзо солган. Корхона кекса ҳуқуқшуносларга ҳомилик қилади, уларга моддий ёрдам кўрсатади, байрамларда совға-саломлар улашади.

Мавлон Собировни ҳамон ҳурман билан тилга олишарди. Уни ажойиб инсон, қатъиятли, талабчан эди, шу билан бирга одамлардан ёрдамчини амайдиган инсон сифатида эътироф этишарди.

У "иш" билан батафсил танишмасдан судни бошламасди. У бир гапни такрорлашни ҳуш кўрарди: "Судланувчи терговчининг, уни ҳудудидан далолат беради. Хатто "ўтириб чиққан"лар ҳам унинг қабирига бир сижим тўпурқ ташлаб, "яхши одам эди, раҳматли", дейишгани унинг нақадар ҳақ эканлигини тасдиқлайди.

Ҳаёт ўткинчи. Яхши ном қолдириш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Китоб туманлараро прокурори Ҳусайн Собиров отаси ҳақида ифтихор ила ана шуларни ҳикоя қилди.

**Довуд МАҲДИЙ**

**УМР МАЗМУНИ**

Сўхбатдош ҳақида:

*Патила Сирожиддинова, 1926 йилда туғилган. 1957 йилда Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)ни тамомлаган. Узок йиллар одамни суд тизимида турли лавозимларда фаолият кўрсатган. Ҳалол ва фидойи меҳнатлари учун бир неча бор давлат мукофотлари билан тақдирланган. Ҳозир нафақада.*

— Фаргона шахрининг Ёрмозор даҳасида туғилганман. Отам тракторчи эди, бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолганидан кейин артелда ҳисобчи бўлиб ишлаган. Онамдан беш ёшимда уч ёшли укам билан етим қолганмиз, — дея сўхбатни бошлади Патила Парпиевна. — Колхозлаштириш йиллари эди. Отам эрта тонгдан ярим кечагача, баъзан ҳафталаб ишда бўлар эди. Бизнинг эса гоҳ холамларникида, гоҳ аммамларникида кунимиз ўтарди. Кейинчалик отам уйланди. Сарсон-саргардонлик ўрнини оғир меҳнат ва камситишларни эгаллади. Фақат отамнинг ёнида биз ўзимизни эркинроқ ҳис қилардик.

Шу орада уруш бошланди. Мен 14 ёшимда касалхонага ишга жойлашдим.

— *Аёл киши бўлатуриб, ҳуқуқшунослик касбини танлашингизга нима сабаб бўлган, у пайтлар камданкам аёллар бу касбни танлаган, шундай эмасми?*

— Кишилар касбни кимгадир хавас қилган ҳолда танлайдилар.

лар билан машғул, бунга эътибор бермайдилар. "Ёшлиқда олган билим — тошга уйиб битилган хат кабиридир" деган ибратли нақл бор халқимизда. Фарзандларимизни ёшлиқларидан оқ илмли бўлишларига эътибор қаратишимиз, яна такрор айтман, меҳнат қилишга ўргатишимиз зарур. Шундагина бола ҳамманарсаннинг қадрига етади.

Айтмоқчиманки, болани меҳнатга ўргатиш

нинг ҳам қизи, синглиси бордир. Йўқ, у ўзининг шайтоний ҳирсига қул бўлган, холос.

Ишларни ҳаққоний олиб боришга ҳаракат қилардим. Аввало устозларим, қолаверса ҳуқуқий билимим сабаб бирорта "иш"им қайтмаган. Ушбу даражага етишимда яқиндан кўмаклашган устозларим Хадича Сулаймонова, Раҳима Ҳужаева, Ҳалима Муҳиддиновалардан бир умр миннатдорман.

— *Ёшларга тилакларингиз?*

— Бугунги ҳаётимиз жаннатнинг ўзгинаси. Биз кўр-ган кунларни ёшларимиз кўрмасин. Шу ўринда отамнинг бир гаплари едимга тушади.

Қандайдир ноҳақликка чидай олмай, уларга дардимни очдим. Шунда отам: "Хафа бўлма, қизим. Бургутни билсан-а, ана шу бургут (панжаларини ярим йиғиб стол устига қўйдилар) мана шундай қилиб чанғалида тутиб турибди. Ўзбекистонни, Хоҳласа у панжасининг орасидан, хоҳласа бу панжасининг орасидан чўқийди. Сенинг кўрганинг ана шуларнинг заррачаси холос", деган

**“ПРОКУРОР  
БЎЛОЛМАСАМ-ДА...”**

Менда эса аксинча бўлган. Ўғай онам прокурор эди. Ҳақиқий прокурор қандай бўлишини уларга кўрсатиб қўймоқчи бўлганман.

1952 йили Ўрта Осиё Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирдим. Тўғри, аёл киши сифатида бу касбни эгаллаш осон бўлмади. Бир қўлимда китоб, бир қўлим бешикда бўлиб ўқини тамомладим.

Шундан сўнг йўлнамга билан Фаргона вилоят судига бордим. Билимимдан қонқиш ҳосил қилган раис менга вилоят судида қоллиши тавсия қилди. Кейинчалик вилоят суди судьяси муовини, вилоят судьяси вазифаларида ишладим.

Сўнгра Олий Совет президиумида, Олий судда масъул вазифаларда ишладим.

— *Бола тарбиясида онанинг роли қандай? Шу ҳусусдаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.*

— Бола тарбиясининг дастлабки палласида она тарбияси муҳимроқ. Шунинг учун аёлларимизга икки йилдан иборат меҳнат таътили жорий қилинган. Ундан кейинги даврларда ота тарбияси асосий роль ўйнайди. Болани қаттиққўллик билан тарбиялаш, ёшлиғида-да билимга, меҳнатга ўргатиш лозим.

Иш тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, боланинг жиноят йўлига киришига деярли кўп ҳолларда ота-она айбдор. Нега? Чунки баъзи ота-оналар болаларини яхши едириб-килдириб билан ўз вазифамни бажарялман, деб ўйлайдилар. Уларнинг билим олиши, меҳнат билан шуғулланишларини иккинчи даражада ҳисоблайдилар. Ачинарлиси, аксарият ота-оналар ўз фарзандларининг ўртоқлари, кимлар, бўш пайтида нима-

муҳтожликдан ёки фақатгина пул топиш учунгина эмас, балки бу билан фарзандимиз жамоа билан муомала қилишни, асосийси ҳаётни ўргангани.

Турмуш ўртоғим билан олти фарзандни тарбиялаб, уйли-жойли қилдик. Худога шукр, ҳаммалари тинч-тотув яшаб келмоқдалар.

— *Аёлларнинг жиноят йўлига кириб қолиши сабабларини қандай изоҳлайсиз? Унинг олдиди олиш учун қандай чора-тадбирлар қўллаш лозим деб ҳисоблайсиз?*

— Аёл — бу ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи кучдир. Уларнинг жиноят йўлига кириб қолишларининг асосий сабаби атрофиди муҳит, яъни таниш-билишлариди. "Дўстининг кимлигини айт — сенинг кимлигингни айтиб бераман", деган нақл бекорга айтилмаган, ахир. Баъзи аёллар ўзларида енгилтақликка мойиллик борлигидан, иродасизликларидан бу йўлга кириб қолмоқдалар. Ахир бу нафақадан, кўп ҳолларда эса тўқликка-шўхлик қилиш оқибатидир. Гиёҳ-вандликка берилгандан кейин уни қайтариш жуда қийин бўларкан. Ирода жуда кучли бўлиши керак. Тиббиёт шу фикрда. Мен фақат шунини айтишим мумкин, гиёҳвандликнинг охири мудҳиш, азобли ўлим!

— *Дастлабки "Иш"ингиз ҳақида гапириб берсангиз.*

— Менга ўн уч ёшли қизнинг номуслига теккан жиноятчининг "иши"ни беришди. Ортқича ҳис-туғайларга берилмаслик кераклигини тушундим.

— *Узингиз ўйланг, ахир ўша эркак*

да тутиб турибди. Ўзбекистонни, Хоҳласа у панжасининг орасидан, хоҳласа бу панжасининг орасидан чўқийди. Сенинг кўрганинг ана шуларнинг заррачаси холос", деган

эдилар. Ўйлаб қарасам, бу сўзларнинг мағзини энди тушунаётгандайман. Айтмоқчиманки, ёшларимиз эркинлик нима эканлигини, мустақилликни тўлароқ тушуниб етти-синлар. Озодликни енгил тушун-масинлар. Тинчликнинг, мусоффо осмонимизнинг қадрига етсинлар. Тўғри, илм олаятлилар, чет элларда билим ва малакаларини ошириб келаяптилар. Лекин мен хоҳлардимки, аввало улар ўқиганларини ўқсинлар.

Ёшлар бекорчи вақт топилди-ми, нимадир қилишга қизиқмади. Баъзан бу қизиқишлар жиноят кўчасига олиб кириши мумкин. Албатта бошида улар бунинг жиноят эканлигини билмайдилар, кейин эса бу йўлдан қайтолмай қийналадилар. Юқорида таъкидлаганимдек, уларни фойдалан меҳнат билан банд қилсақ ўзлари учун ҳам, жамятимиз учун ҳам фойдаси катта.

Энди яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Бугунги кунда қиларини ўзига очиб қийимларда бемалол кўчаларда юрибдилар. Уларнинг акалари, оталари наҳот бунга бефарқ бўлсалар?! Майли, миллий кийимимиз атлас кийишсин, демайман. Ҳаёлроқ кийишсинлар.

Ёшлар меннинг танқидимни тўғри қабул қилишсин. Ушбу тинч замонамизнинг бир шар дақиқаси қадрига етсинлар. Ўртбосишчи уларга қанчадан-қанча имкониятлар яратиб бермоқда. Улардан фойдалана билсинлар. Ўртбосишнинг, ўз халқининг ишончини оқласинлар. Кимки чин дилдан меҳнат қилса, ўз мақсади сари интилса, унга албатта эришади.

— *Мазмуни сўхбатингиз учун ташаккур.*

Сўхбатдош:  
**М. АКБАРОВА**

**АФСУС!**

# ҚЎРҚИТИБ ҚЎЯМАН, ДЕБ...

**Қотиллик юз берди. Жиноят содир этилди. Бир оила соҳибининг қўллари ўз турмуш ўртоғининг қонига бўялди. Беғуноҳ уч фарзанд онасиз қолди, қотил ота билан эса узоқ йилга "хайрлашдилар".**

Ушбу жиноят содир этилишининг асосий сабаби нимада, дерсиз? Бунга ҳам жиноятлар дояси "Ўзи оқу қилмиши қора" арок сабабчи. Ичкилик таъсирида ҳушини йўқотган киши қилаётган ишининг тўғри-нотўғрилигини идрок қила олмайди. Яна ҳам дахшатлиси, ичкиликка ружу қўйганларнинг ҳаёти охир оқибатда барбод бўлади. Уларнинг яхши тарбия қўрмаган фарзандлари ҳаётда ўз ўрнини топа олишига ким қаролат бера олади? Демак, ичкиликка муккасида кетган шахс нафақат ўзининг, балки фарзандларининг ҳаётига ҳам зомин бўлади.

— Тўғри, отам кўп ичар, тез-тез жанжал кўтариб, онамни урар эди. Гоҳида ўлдирарман, дея дағдаға ҳам қилар эди. Лекин бу ҳолатнинг ҳақиқатан ҳам юз беришини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим,— дея қўзлари ёшланади Русланнинг.

Ҳар гал ичиб келишлари, жанжаллари Гулноранинг ҳам сабр қосасини тўлдириб юборди. Ахир, болалари ҳам катта бўлиб қолишди. Уларнинг олдига турли ҳақоратларни эшитишга ортик деб беролмаслигини тушуни. Топганини ичиб, рўзгорга қарамас... Мана, ўгли Руслан ҳам ишга кириб, оз бўлса-да, рўзгорга фойдаси тегапти. Ота бўлмиш эса, ишнинг олдига ҳеч кимни танимайди. Яна шу ҳол такрорланса, уйга қўймайман, дея қарор қилди Гулнора. Унинг хаёлини эшик қўнғирогининг овози бўлди. Бир неча кун олдин зинадан йиқилганлиги боис оёғи гипс қилинган Гулнора, секин бориб эшикни очди. Остонада турган отасини кўриб суюниб кетди.

Онаси вафотидан кейин Гулнора отасига суюниб қолган. Бизникида турунг, деганидан кейин отаси бир мuddат бирга ҳам яшади. Лекин куёвининг "одатлари"ни кўриб, оиласига аралашмай қўя қолай, дея кетган эди. Отаси билан онасини хотирлаб ўтиришди. Кечга яқин Али маст ҳолда кириб келди. Орада яна жанжал кўтарилди, турли хил ҳақоратлар ёғилди. Бунга чидолмаган Гулнора эрини уйдан ҳайдаб чиқарди.

Али уч-тўрт кун қорасини кўрсатмай юрди. Хотинининг қилмиши унга алам қилди. Ўз уйдан ҳайдалса... Уйда ҳўжайин ким ўзи?! Али хотини билан "яхшилаб гаплашиб қўйиш" учун 17 январь кунини уйига маст ҳолда кириб келди. Уйда телевизор томоша қилиб ўтирган Гулнора эрини яна маст ҳолда кўриб, фисони фалакка чиқди. Уйдан чиқиб кетишини талаб қила бошлади. Уйда қолиш ҳақидаги гапларини эса эшитишни ҳам хоҳламади. Мастликда "шер" бўлиб кетган Али Гулнорани кўрқитиб қўйиш мақсадида ошхонадан болта кўтариб чиқди. Жаҳл устида болта билан Гулноранинг юзига урди. Юз-кўзи қонга бўялган, бир оёғи гипсда бўлишига қарамай жонқолатда қочаётган Гулноранинг овозини ўчириш мақсадида, энди болта билан унинг бошига ура бошлади. Гулнора полга беҳуш йиқилганидан кейингина Алининг қўзи очилди...

Кўшнисиникига чиқиб тез ёрдам машинасини чақирди... Лекин бу орада Гулноранинг жони узилиб бўлган эди.

Суднинг "қора курси"сида ўтирган Али Бариев ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми "в" ҳамда "ж" бандлари билан айбдор деб топилди.

Али Бариев қилмишига яраша жазо олади. Лекин жамиятимизда бундай қимсаларнинг учраб туриши кеңириб бўлмайди деганди. Жиноятчини жазолашдан кўра, жиноятнинг олдини олиш бизнинг ютуғимиз ҳисобланади. Қолаверса, бу ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

**А.РАҲИМОВ**

**Навоий шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси**

**ТАҚДИР**



қовуридан туширмоқчи бўлди. "Тагин, аянгга айтиб юрма!.." Бу гап битиздек санчилиб, вужудини тўлдирган нафрат сиртига отилиб чикди-да, худди олдида отаси эмас, бутунлай бегона бир гўрсўхта тиржайиб тургандай башарасига мушт қолди.

Эллиқни қоралаб "ёшлик шўхликлари" аримаган, ҳатто келинининг онаси билан ҳам дон олишишдан ор қилмайдиган хотинбоз гурчиллаб йиқилди. Йиқилган боши диванқирасига урилди-ю...

"Яхшиям Рухсора кўрмади!" Ҳушига келиб, илк ўйлаган ўйи шу

# ДАЙДИ ИТ

**Биз ушбу саҳифани рамзий мълнома «Кўзу» деб атадик, муҳтарам газет-хон! Сиз унга қараб инсонийлик қиёфасини дўқотган бандаларнинг башарасини кўрасиз ва улардан нафратланасиз. Қаттиқроқ ва яна ҳам қаттиқроқ нафратланнг. Зора, орамизда бундайлар қамайса. Нафратнинг ути уларни бутунлай дўқотиб юборса!**

бўлди.

Терговда ҳам, судда ҳам ўғил отасини нега ўлдирганининг асл сабаби мавҳумлигича қолаверди.

"Рухсорани менга, — қамқоқонага онаси йўлатмаган. Алам, изтиробда қизимга бор гапни айтиб бериб, шармандаи-шармисор қилади, деб ўйлаган". Қамқоқонада у маҳбуслар тилидан ўнлаб, юзлаб бундан-да беҳаёроқ, бундан-да шармисорроқ воқеаларни эшитса-да, куда-эркак куда-хотин билан пинҳона айш-ишрат қилиб юришини ақлига сифдира олмас, оқлай олмасди. Етти ёт бегона хотин бўлганида ҳам майли эди.

Лекин... Эҳтимол, Рухсорани жонидан ортиқ кўрмаганида, "ха энди, йигитчилик-да" деб кўриб-қўрмаганга, билиб-билмаганга олиб юраверармиди? Балки ўша дамда газабини жилволай олганида, ке-йинчалик отасини кеңирармиди? Бунга у аниқ жавоб топа олмас, лекин ички бир туйғу "барбир шу ишни қилардин" деб юрагини баттар тимдаларди...

У ўйламай-нетмай дуч келган тарафга одимлади. Йиқчи қамқоқона юрганидан кейин эҳсонига кирди. Бир шиша ароқни ёлғиз ўзи "майдалаб" ўтирди.

...Эрталаб ишга шошаётган йўловчилар суви қуриган ариқда, чинор остида туқлари тўзғинган итни қучоқлаб ётган мастга ижирганиб қарашарди...

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**  
"Хуқуқ" муҳбири

... У қамқоқона яқинидаги автобус бекати томон юрди. Бекатда ҳеч ким йўқ, бир соатча аввал шаррос куйган илк кўз ёлғиринида ивиган ит унга мўлтираб турарди. Итга, итдан кўра кўпроқ ўзига ачинди. "Мана шу дайидан нима фарқинг бор?" — алам билан ўйлади у. "На бир борадиган жойинг, на ҳасратлашадиган одамнинг бўлса?! Ҳамма сандан юз ўғирган.

Ун беш йилда на акаган, на укаган, на хотининг тўрт сатрлик мактубга олмади-ю сени! Бир марта лоақал хат ёзиб, ҳол сўрамаган жигарларинг олдига қай юз билан борасан, мўйлови сабза уриб қолган ёлғиз ўғлинга қай кўз билан боқасан?! Уч-тўрт ёшли Жаҳонгирга ўн беш йил мобайнида нималар деб уқтиришдикин? Ҳойнаҳой отанг ўлган, деб жажжи, ярим-ёрти хотираларини ҳам ювиб юборишган бўлса керак. Ох, Рухсора, Рухсора! Биламан, сенга қийин бўлди. Падарқушининг тирик беваси! Бу тавқилянат, эҳтимол, бутун ҳаётининг заҳар-заққумга айлантиргандир? Балки... Йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас!"

Рухсора художўй келин эди. Илк висол оқшоми, гўшангада гўнча лабларидан бўса олаётганида туй-

ган ўша нордон кўз ёш таъми ҳозир қалбини ўртаб юборди.

— Йилмаманг, кўз ёши билан бошланган умр охиригача гап-ғусса билан ўтмасин!

— Вой худойим-эй, тавба денг, тавба денг!

Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар "омин" деб юборишди! Бу гап бекорга айтилмаган экан. Жонингдан ортиқ сўйган ёрининг ёш умрини ҳазон қилдинг! Ун беш йил мобайнида фақат барбод бўлган ўз ҳаётига, қақмоқдек бир чакнаб, ўз уйига ўт қўйган лаҳзалик умрининг ибтидосига, исзис охирига интиҳосига ачинган собиқ маҳбус илк бора ўзига бировнинг назари билан боқаётган эди.

Рухсора билан қувонгча лиммолим ўтган дамлари, Жаҳонгир туғилганда худди бутун олам оёғи остида тургандай, севинчдан боши кўкка етган кезлари эртатка ўхшаб

қолди. Бу эртат, бу афсона узоқ давом этиши мумкин эди-ю...

Рухсоранинг илму фанга боши билан шўнғиган, қатлам-қатлам тупроқлар остидан излаб топган битта синик кўзачани фарзандидан ортиқ кўрадиган, минг йиллар аввал яшаб ўтган одамнинг ҳаёти ҳозирги ўзининг турмушини хиралаштириб қўядиган девонасифат отаси аллақандай симпозиумга жўнаган эди.

— Аям ёлғиз, бир ўтиб қўяйлик! Рухсора кўчадаги қўшни аёллар билан лақиллашиб қолди. У бир қўлида ўғли, бир қўлида сумка кўтариб сокин ҳовлига кирди. Жаҳонгирни айвонга қўйиб, ичкари юрди. Хонанинг эшигини очганида...

Ўз дадаси қайнонасини беҳаёларча қучоқлаб... Эшик очилганда дивандан турган отаси унинг кўзлариди газаб ва нафратни сезиб "ҳазил, ҳазиллашаётгандик", деб

**ЭССИК ИНСОНЛИК!**

# БИР БОЛАГА ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНА

қадор Темировнинг мол-мулкни ўмарши режасини тўзадилар. Лекин шу кунги иккаласи бу "иш" юзасидан ўзаро келишолмайдилар. Орадан бир кун ўтгач, Шерзод бу "ишни" яқна ўзи амалга ошириш ниятида Темировнинг уйига боради.

Текин бойлик ортириш пайига тушган йигит тунги "меҳмон" қаршисига чиққан уй эгасини шафқатсизларча уриб ўлдирди. Шовқинин эшитиб юғриб чиққан А.Темировнинг турмуш ўртоғи ҳам қотил қўлида жон беради. "Иш"га халақит берадиган "объект"ларни тинчитган Шерзод хонадонни ағдар-тўнтар қилиб, пул ва қимматбаҳо буюмларни қидиради. Ҳеч нарса тополмаган, яна жасадларнинг олдига келиб, уй эгаси-

нинг чўнтагидан 7 минг сўм пулни ва аёлининг қўлидаги қумуш биланқуқни олиб, воқеа жойидан қўйиб бўлади. Аммо кўп ўтмай у ички ишлар ходимлари томонидан ушланади.

Жиноят жазосиз қолмайди. Лекин бир нарсани ўйлаб ташвишга тушасан, баъзан. Жиноятчини жазога тортишдан кўра уни жиноятга етаклаган сабабларнинг олдини олган маъқул эмасмикан? Бунинг учун нима қилиш керак? Албатта, тарбияни кучайтиришимиз лозим. Илгарилари қўни-қўшниллар бир-бирларининг ахлоқидан бохабар бўлиб турганлар. Шунингдек, болалар тарбияси ҳам эътибордан четда қолмаган. "Бу бировнинг боласи, у билан меннинг нима ишим бор?" деган ўй-фикрлар

одамлардан йироқ бўлган. Энди-чи? Қўнчилик ота-оналар бировларнинг болаларни туғул ўз фарзандлари тақдирига ҳам бефарқ қарашади. Ахир, болаларни қаровсиз қолдириш ёки уларнинг ишсиз, бекор юришига лоқайд қарашнинг ўзиёқ жиноятга йўл очиб дегани эмасми?

Бу ҳақда нафақат жиноят қилиб жазо олганларнинг ота-оналари, балки ҳар биримиз фикр юритибомиз зарур. Ана шундангина биз қонуниязорлик ва жиноятларнинг ўрчиб кетишига йўл қўймаган бўлаемиз.

**Олимжон СОЛИЕВ,**  
Анджон вилоят прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи

Биз ориятли, барчага бирдек яхшилиқни соғинадиган, ҳалол ва тўғрисиёз, илдизлари бақувват халқинг фарзандларимиз. Шарқона тарбиянинг анъанавий удуллари оилаларимизда ҳали-ҳануз ўз қимматини йўқотмай келмоқда. Яхши хонадонларнинг фарзандлари инсонпарварлиги, эл-юрт ишига фидойилиги билан ёзозу хурматга сазовор бўлмоқдалар.

**Аммо, баъзан бунинг аксига дуч келишимиз ҳам бор гап.**

Ёшлигиданқоқ безорилик ва ўриликни ўзларига қасб қилиб олган, охири-оқибатда суднинг қора курсисига ўтириб оила аъзоларини, маҳалла-қўйнинг юзини ёрга қаратганларни кўрганда қалби оғрийдди одамнинг. Улар қандай қилиб бу йўлга қилиб қолди? Асосий айбдор ким? Ота-онами? Ёки носослом муаммонинг таъсирими бу?! Хуллас, муаммонинг илдизи анчагина чуқур. Бир қарорга келишдан аввал қўйидаги воқеага қўлоқ тўтайлик.

Анджон туманида турган 22 ёшли Шерзод Зокиров илгари судланган бўлишига қарамай ҳамон ишсиз юрар, ўғри-

лик қилиб тирикчилик қиларди. У дастлаб Янгиобод қишлоғидаги С.Патиддиновнинг уйдан бир қоп гуручни аширишча олиб чиқиб сотиб юборади. "Ёлғизлик қозон ёлғизлигича қолди", деб ўйлаган Шерзод каттароқ жиноятга қўл уриб, ака-ука Зоҳид ва Отабек Отахоновларни ҳам ўзига шерик қилади. Ҳамтовоклар ўзаро тул бириктириб, ҳамқишлоқлари Т. Жўраевниқига йўл олишади.

Мўлжалдаги уйда меҳмонлар борлиги сабабли босқинчилар ниятларини амалга оширишга журъат етолмайдилар. Шундан сўнг Шерзод ва Зоҳид "Янгиобод" маҳалласида яшовчи нафа-

## ТУРМУШ СЌҚМОҚЛАРИ

Июнь ойи. Одамни лоҳас қиладиган жазирма кунлар. Устига устак автобус ичи дим, одамларнинг ховридан нафас олиб бўлмади. Ланжликдан бироз кўзим ийлинибди. Бир пайт автобуснинг силкиниб тўхтаганидан уйғониб кетдим. "Навбатдаги тўхташди-да", дея кўзимни юмиб, яна мизғимоқчи бўлдим. Аммо шу пайт автобусдагиларнинг "Эш экан бечора", "Худо раҳмат қўлсин", деганлари қўлоғимга чалинди. Нима гапчилига тушунмай, деразадан қарадим. Шунда йўлни тўлдириб кетаётган оломонга кўзим тушди. Елкаларида тобут. Устига ташланган алвон матодан марҳумнинг эрта кетганлиги билиниб турарди.

Автобус яна йўлга тушди. Одамлар вафот этган кишини ўзларича муҳоама қила бошлашди. "Ўз жонига қасд қилибди", "эри ураркан", "бешта боласи чиқариб қолибди".

— Бечора. — беихтиёр лабларим пи-чирлади.

— Нимаси бечора? Аҳмоқ экан.

Ечимдаги хушрўйлига қизнинг лабларидан учган бу сўздан севканиб кетдим. Унга тикилиб қолганимни сезиб, қўлидаги газетани ёпди-да, менга юзланди:

— Сиз ўша аёлни бечора деб уйлаيسىзми?! Бечора унинг чиқариб қолган беш боласи-ку. Қимларнинг қўлида хор-зо бўлади энди улар? Фарзанди бор аёл ўзини бахтсизман дейиши мумкинми?!

Унинг айтаётган гапларида қандайдир дарад бор эди: Юрагини нимадир ўртарди.

— Кечирасиз, сизга каттиқ галириб юбордим, — деди у орадан бироз фурсат ўтгач. "Хечқиси йўқ", дегандек бош чайкадим. Киз чуқур "ух" тортиди. Унинг нималарнидир гапиргиси келаётганини сезиб, каврданилигини сўрадим. Баҳонада танишиб олдик.

— Менинг онам ҳам жонига қасд қилган, — дея киз хикоясини бошлади.

— Ушанда жуда ёш эдим. Дадам кўп инар, хар ичганда онамни аямай дўпосларди. Оилада тўрт фарзанд эдик. Икки ўғил, икки қиз. Кетма-кет синглим ихкаланиб турилган, "буна қиз туғаварсан" деб урарканлар. Аммо икки ўғил укам туғилганидан кейин ҳам дадамнинг бу одати қолмади. Онам жуда ҳоқисор аёл эди. Бирор марта бўлсин, буви-ю, тоғаларимга да-дамини чақиб бормаганди. Бу нарсани ўзи учун ор деб биларди.

Аваллига дадамни бошқа хотинлар билан юраркан, деб эшитдик. Кейинчалик дадам бундай хотинларни бемалол уйимизга бошлаб келадиغان бўлди. Шундан сўнг онам чидаёлмади. Бир кун...

Баҳор эди ушанда. 8 Март байрами арафаси. Мактабдан келсам, онам айвонда ўтирган экан. Кўзлари қизарган. Биламан, дадам хафа қилган. Хар гап нента беш олганимни мақтаниб гапирсам, эрқалаб юзларимдан ўлиб қўярди. Бу сафар хатто қўлоқ солгиси ҳам келмади.

— Она, эртага 8 Март байрамига ўқутувчимиз ҳамма атлас қўйлақ кийсин, деяпти.

Онам ялт этиб менга қаради. Межрибонимни чалтирганидан севиниб, яна бидиллаб кетдим:

— Хуршида бор-ку, ўша қўйлагининг этакларига пирипирак қўйиб тикирибди. Менга ҳам ўшандай қилиб тикиб беринг.

Онам индамади.

— Чоининг ич, — деди эўрга бир нуқтага тикилиб.

Чоинини ичиб, ухлаб қолибман. Бир маҳал дадамнинг бақирганидан уйғониб кетдим. Қарасам, дадам онамни сочидан бураб, калтаклаётган экан. Югуриб бориб, дадамнинг оёғига ёпишдим:

— Дадажон, онамни урман!

— Тур-е, безор бўлдим саялардан, — дадам оёғини бир силтаб бўшатди-да, сўкинганча кўчага чиқиб кетди.

— Онажон, туринг, — тупроққа беланиб ётган онамнинг қўлларидан ушлаб тортиладим.

— Тўйиб кетдим, Сарви. Тўйиб кетдим, болажоним!

Айвонда укаларим изиллаб йилларди... Ўша кун она алламаҳалгача ухлол-мади. Тимирскланиб сандикичи очди-да, ичидан икки қийимлик атлас мато олди.

Сўнг мени ёнига чақириб, қўлимга ту-гунчага уралган аланарса тутқазди.

— Сарви, ма, мана бу бугундан бошлаб сенда туради.

— Нима бу? — дедим ҳайрон бўлиб.

Онам қийқачани очди. Ичидан тилла узук чиқди.

— Тақиб қўр-чи.

Тақдим. Катталигидан узук бармоғим-да ўйнаб қолди.

— Келин бўлсанг, тақасан.

Онамнинг кўзлари ёшланди. Узукни қайта туғиб, игна қадоқ билан қўйлагим-

нинг ички тарафига қадаб қўйди.

— Ўзийизда турсин, — дедим негадир дилим гашланиб.

— Йўқ, бу энди менда турмайди. Эртага бугунга бериб қўй. Ўзинг йўқотиб қўясан.

Сўнг онам сандикичи ёпди-да, синглим ихкаламизга бир хил қўлиб атлас қўйлақ бичди. Қўйлагининг битишини қута-қута ухлаб қолибман. Бир маҳал онамнинг сочларини силаб, шивирлаётган овозидан уйғониб кетдим.

— Сарви, тур қизим. Атлас қўйлагин-ни кий. Ахир бугун байрамга борасан-ку.

Сакраб ўрнимдан туриб кетдим.

Юзимни ҳам ювишга сабрим чидамай,

ойнача, атирсовун ва шунга ўхшаш май-да-чўйдалар олдим-да, папкама жойлаб қўйдим. Хаёлимда соғва қамдек эди. Йўл-йўлакай, кўм-кўк чўчомалардан даста-лаб, уйга шошилдим. Кетарканман ҳозир онамнинг қанчалик қувонишини, юзларимдан ўпиб, "асал қизим, доно қизим", дея эрқалашларини тасаввур қилиб юрагим ҳарпикарди.

Уйимизга яқинлашган, уйимиз олдида тўпланиб турган одамларни кўриб ҳайрон бўлдим. Дарвозага яқинлашимни билан-оқ, ичкаридан йиғи товуши эшитилди.

— Вой, жигарим-о-о-о!

Кўриб кетдим. Кўнглим ёнам нарсани сезиб, юрагим орқага тортиб кетди. Қўлим-

бошқасини. Хуллас, ўғай оналаримиз тез-тез алашимиз турадиган бўлди. Лекин улар-нинг ҳаммаси ҳам нечундир бизни ёмон кўришар, дадамнинг кўзи пана бўлиши билан бизга зўғум ўтказишга ҳаракат қиларди. Охири келган онамиз бошқала-ридан кўра ўткирроқ чиқди. Жохил дада-миз бир зумда юввош инсонга айланиб, ўғай онамизнинг чизган чизгидан чиқ-май қолди. Шундан кейин бизнинг азобли кунларимиз бошланди.

Ўғай онамиз бизни арзимас баҳона-лар билан урар, қўйнар, яна дадам ишдан келган, худди ўзини хўрлангандек тутиб, кўзларига ёш оларди. Дадамнинг бизга бўлган озгина меҳри ҳам сўниб борди.

Энди у киши ҳам бизни калтак-лайдиган одат чиқарди. Бу орада укаларимни олиб, бувимнига қочиб кетдим. Аммо дадам орқа-миздан етиб бориб, шунанги дағдага қилдик, иккинчи бувим-нинг номини тилга олмайдиган бўлдик.

Бир кун дадам ишга кета туриб укамга ўшқирди:

— Ёнғокларни қочиб қўй, шох-да бир доно қолса, терингни шилиб олам.

Тасаввур қилинг, қап-катта Эрқаклар аранг қоқадиган ёнғок-ни 6-синфда ўқиётганим бола қандай қоксин?! Хар шохи қўчоққа сиғмайдиган дарахтага чиқиб, ёнғок қокши қандайлигини да-дам яхши биларди-ку. Наҳотки, одам ўз фарзандига нисбатан шунчалик тошбағир бўлса?!

Укам узун ҳодани сўдраб, ҳовли тўрига кетаркан, негадир юрагим гашлана бошлади. Челақ кўтариб, ёнғок териб баҳона-сида мен ҳам бордим. Бу пайт у аллақачон ёнғок тепасига чи-қиб бўлган, шатир-шутур қилиб туқилаётган ёнғоклардан ер ги-лам бўлганди.

— Эҳтиёт бў!

Эглиб ёнғок тера бошладим. Энди битта челақни тўлдирган-дими ҳамки, тепада нимадир "қарс" этиб кетди. Сўнг ёнғок-ларнинг шохи патирлаб, укам па-стга "гурс" этиб қўлади. Ақлимни йиғиб олганимча ерам ера парчин бўлиб ётарди. Бақириб юбордим. "Тез ердан" чақирдик. Укам касалхонада олти ой до-вланди. Унинг умуртқа поғонаси синганди. Олти ой ўрнимдан тур-май, термулиб ётди укам бечора. Ўзим енида бўлдим.

Муолажалардан сўнг укам аранг ўтирадиган бўлди. Аммо энди бир умр юришдан маҳрум бўлганди.

— Она, энди юрмайманми?

Укамнинг хар кун берадиган бусаволига жавоб тополмасдим.

— Юрасан, — дедим кўзларига боқ-май. — Фақат бир илдан сўнг.

Бола эмасми, ишончарди.

Ҳозир унинг оёқлари қуриб қолган. Гавдаси 16 ёшли йиғичаларникидай, оёқлари эса ўша-ўша. "Бир илдан кейин юрасан, дегандингиз-ку, нега юрмаян-ман?" дейди аламига қидомайди. Сўнг бо-ларига муштлаб йиғлайди. "Дадамни ўди-раман", дея бақиради. Унинг сузларини эшитмаслик учун ташқарига чиқиб, ала-минини йиғидан оламан...

Тусатдан кичкина укам сарик касалига чалиниб, касалхонага тушди. Вrachлар мумкин қадар уни йиғлатмаслигини ва кўп юрдирмаслигини қайта-қайта тай-инлашди. Тўрт ёшли болани кўлларимда опичлаб юрардим. Бу укамга ҳам нимадир бўлиб қолишдан қўрқардим.

Даволанаётганимизнинг ўнинчи кун-имиди, укамни ташқарида кўтариб юрсам, бири бола қўлида қарлганган тарвуз еб келаётган экан. Пишиқилиб энди бошла-ниб, хали тарвузлар тақчил пайт.

— Тарвуз ейман, — укам болани кўрса-ниб гинишги бошлади.

— Тарвуз эмас у, дори, — дедим уни алдашга ҳаракат қилиб.

— Йўқ, тарвуз.

— Дадам келсин, сенга ҳам олиб кела-ди.

Қани энди кўнса. Хархаша қилиб, йиғ-лай бошлади. Кўриб кетдим. "Жигари шишиб кетади энди". Югуриб палатага кирдим. Ҳамшира уйку доридан укол қил-ди. Укам хижиллай-хижиллай ухлаб қолди. Шу орада дадам билан ўғай онам кириб келишди. Ҳамшира уйғотманлар, ден тай-инлаб кетганди. Дадам нима гапчилигини сурштирган, айтдим. Ўғай онамнинг қоши

чимирилди.

— Балки ўзининг егинг көп қолган-дир, — деди чақиб олғудай қилиб. Кейин яна бобиллай кетди:

— Боланинг ҳамма нарсаси ҳаваси ке-таверди-да. Рабийга қараган, нималар қилмади. Мана олма. Уйғонса, шуни бе-равар.

Дадамга қарадим. Дадам индамай ер-чишиб ўтирарди. Бошини кўтариб онамга "Ҳой инсон, ота бўлиб боламага битта тар-вуз олиб беролмасам, нима қилиб юриб-ман", деёлмасди.

Уларни кузатиб палатадан чиққач, ўриндиқда ўтирган аеллар билан бирсам, укам аллақачон уйғонган, сим қаравотда тикка турганча, осмонга сакрарди. Эско-нам чиқиб кетди.

— Анваржон, қорнинг оғримаптаими?

— дедим уни қароватга етқизарканман.

— Йў-қ, Она, мен самолёт бўлдим, — кейин бирдан эсига тушиб кетди, — дадам келдими?

— Ҳа, — дедим ҳозир унинг нимани сўрашдан юрагим увишиб.

— Тарвуз олиб келдими?

— Олма олиб келди. Қара, қандай зўр олмалар, — югуриб бориб, қоғоз халтадан олмаларни чиқардим.

— Олма керакмас менга.

Укам олмаларни ерга отиб, йиғлай ўлишга ишонмай қолди. Йиғлай-йиғлай яна ухлаб қолди. Кейин кенга бориб бирдан иситмаси кўтарилиб кетди. Унинг бадани ўт бўлиб ёнар, иситма ара-лаш нукул "тарвуз ейман", дея алаҳларди. Вrachлар югуриб қолишди. Укамга қарай-диган врач "тезда уйинг дағиларни чақир" дея тайинлади. Оёқланг кўчага югурдим. Кишлогимизда телефон йўлиғи тўрайли бекатада турган бирорта кишлоқдошимга тайинлашни мўлжалладим. Бахтимга киш-логимиздан бир-иккита одам йўловчи машина пойлаб ўтиришган экан. "Укам оғирлашиб қолди, дадам тез етиб келсин" дедими орқама қарамай чопдим. Келсам, укам тинмай кўсарди. Бироз ўтиб, қусури-га қон аралашди. "Тамом" деди врач кўзла-ри ёшланиб. Сўнг қўлини паҳса қилиб мента бақирди:

— Қарасанг, ўласанми?!

Мен эса тинмай йиғлардим. Укамнинг ўлишига ишонгим келмас, хаёлимда ҳозир у ўрнимдан туриб чопқилиб кетадигандек эди. Телбаларча елкасидан тутиб, силқий бошладим. Шунда чуқур-чуқур нафас олаёт-ган укамнинг кўзлари катта очилиб кет-ди. Аланглаб кимнидир қидира бошлади. Сўнг яна кўзларини охишта юмиб олди.

Ким билмай, укам балки ўшанда сўнгги бор онамнинг қўчоғига бош қўйишни, да-дамнинг қўлларига сўяниб жон беришни хоҳлагандир. Нима бўлганда ҳам укамнинг энг сўнгги армони ушалмай кетди.

Тонгга яқин укамнинг жони узилди. Унинг ўлиmidан кейинги ўша охлати ҳеч эсимдан чиқмайди. Укамни эсласам, унинг тирик пайтларидики юриш-туриши эмас, юриш қилиб қўларига шифта тикканча қотиб қолган юзлари кўз ўнгимда гавда-ланади.

Эрталаб бамайлихотир дадам кириб келди. Қўлида тарвуз. "Дод" деб юбор-дим. Тарвузни олиб, дадамга отдимми, ерга отдимми, билмайман. Фақат полга нисбатан тарвуз шарабтидан билдимки, уни нимагадир уриб ерганман. Ним қизил шараб ҳам худди укамнинг қусуғига ўшарди...

Кейин нима бўлганини эслолмайман. Қўзимни очсам, уйимизда ётибман. Укам-ни аллақачон қўлиб келишган, мен эса ўч кун ҳеч нарсани билмай алаҳлаб ётган эканман.

Ҳозир ўн тўққизга кирдим. Кўнглимни ёритадиган ёруғ нураган аллақачон олис бололик йиллари қаттида қўлиб кетган. Биламан, мен қалбан қариб қолганман. Баъзан кечалари йиғлаб чиқаман.

Ойга тикиламан. Назаримда қўда маҳзун порлаб турган ой ҳам етилликдан бўзлаётгандек. Баъзан ўйлаб қоламан. Онам шундай қилгандада балки укам ўлмасмиди, бири махруқ бўлиб, бир умр тўшакча микланиб қолмасмиди.

Нима бўлганда ҳам онам ўзлари чи-долмаган азобларга бизларни ташлаб кетди. Ахир, ўлим энг сўнгги чора эмас эди-ку. Нега онам бундай қилди? Нега?...

Киз манзилга етган, мен билан хайр-лашаркан, юз кўзлариде шу савол қотиб қолгандек эди. Унга нима деб тасалли беришни билмадим. Зеро, у тасаллига мухтож ҳам эмасди. Ҳажжи юрагига улкан сабрни сиғдира олган бу киз сиз ва биз-дан кўра бардошмироқ эди.

Гулнур ЁРМАТОВА,  
Шаҳрисабз тумани



# ОЙ ЙИҒЛАГАН ОҚШОМЛАР

қўйлақни кийишга шошилдим. Этаклари-га ҳарир мато қўйиб тикилган қўйлақ чин-данам чиройли эди. Қувониб кетдим.

— Онажон, Хуршиданкиданам чирой-ли-а, менинг қўйлагим.

— Ҳа, — онамнинг лаблари кулса-да, кўзлари галгин эди. Папкамини олиб, но-нушта ҳам қилмай кўчага отилдим.

— Сарви, бироз тўхта, қизим, — онам ортимдан югуриб кўчага чиқди. Истар-истамас тўхтадим. Онам чўчкалаб сочла-рини силлади. Юзларини юзимга қўйиб, узок бағрига босиб турди. Менинг эса сабрим чидамай тилиричлардим. Тезроқ мактабга борсаму, қўйлагимни ҳаммага кўрсатсам. Ушанда онам шўрликнинг мен билан видолашаётганини қайдан билим-ман. Билганимда ёнларидан бири қадам ҳам жилмай ўтирмасдим. Аргамчи тут-ган қўлларига тармашиб, йиғлаб тавалло қилмасдим. Энди эса армондан дилим ўртанган...

Кейин онам елкаларимдан тутиб, кўзларимга узок термулганча тайинлади:

— Сарви, укаларингни эҳтиёт қил, хўпми?!

— Хўп, хўп...

Онамнинг бағридан юлқиниб чиқиб, югуриб кетдим. Қувончим ичимга сиг-масди. Қўйлагимга ҳамма синфдош ур-галарнинг ҳаваси келди. Байрамда қизга чиқиб, шеър айтдим:

Она билан қўркам ҳаёт,  
Она меҳр булоғи.

Онасиз шодлик ҳам ёт,  
Она умр чироғи.

Байрам тутганга, қизлар билан онала-римизга соғва олгани дўнонга бордик. Ҳамма хар хил нарса харид қилди. Мен ҳам анчадан бери йиғиб юрган пулимига

даги чўчомаларни ерга отганча, уйга отилдим. Остонада бувим мени қўчоқлаб олди.

— Сарвижон, онангдан айрилиб қол-ди!..

Бувимни итариб, уйга таллиндим. Эшиқ тутқичига қўл узатишим ҳамона, ичкари-дан челақ кўтариб чиқаётган аёл қўлим-дан ушлаб, силтаб тортиди. Ерга ўтириб қолдим.

— Она, онажо-о-о!

Оёқларимни тилирилатиб, қўлларим билан ерни чангалладим. Чиройли атлас қўйлагим зумда тупроққа қоришганди.

Кейин нима бўлганини билмайман. Кимдир бошимга рўмол ўраб, қўлимга рўмолча тутқазиб қўйди. Қарасам, укам ҳам чоран қилиб, таёқ тутганга гарангисиб турарди. Ичкари уйдан тобуни олиб чи-қишди. Шунда онамдан мангуга айрилаёт-ганимни сезиб, чинқириб юбордим. Кўзларимдан оқаётган аччиқ кўз ёшлар юзларимни қўйдарди. Телбаларча то-бут орқасидан чопдим. Дарвозага етар-етмас ҳолам йўлимини тўсди.

Онамнинг ўлиmidа ҳеч ким айбдор деб топилмади. Дадам елиб-югуриб ал-лақердан онамни рўйи қасал эди, деган маълумотнома тўғрилаб келди. Бизни уй-ларига олиб кетмоқчи бўлган бувимни эса кўчага ҳайдади. Биз худди қарвонидан ажраган буталардек гарангисиб қолгандик. Уй-рўзгор юмушларининг барчаси менинг зиммамага ўтди. Укаларимнинг кир-чири-дан тортиб, нон-ошигача ҳаммасини ўзим элардим...

Онамнинг йили ўтмаёқ дадам уйланиб олди. Ававалига яхши яшагандай бўлиш-ди. Аммо орадан бироз фурсат ўтгач, да-дам бошқа аёлни олиб келди. Кейин яна

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР ШАРҲЛАР

## СОБИҚ ДИКТАТОР ҲИБСДА

Ўтган якшанба кuni Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевичнинг уйи полиция томонидан қуришга олиниб, Милошевич ҳисбга олинди. Операцияни муваффақиятли яқунлаш полициячилар учун осон кечмади. Милошевич ҳибсга олинишидан бироз олдинроқ унинг хонадонида ўк товуши эшитилганда, "энди собиқ диктатор можаросига нукта қўйилди" деб ўйлаган полиция ходимларининг башорати хато бўлиб чиқди. Маълум бўлишича ўк узган Милошевичнинг қизи Мария экан. У кучли ҳаяжонга тушган ва ўзининг бутун норозилигини ҳавога ўк узиш билан ифодалаган. Яна бир маълумотга кўра, Милошевич полиция ва ҳавфсизлик хизмати зобитларига агар уни ҳибсга олиш фикридан қайтишмаса, қизи, хотини ва ўзини ўлдириши мумкинлигини айтиб, дағдаға қилган. Лекин олиб борилган музокаралар натижасида, уни бу фикридан қайтаришга муваффақ бўлинган.



Айни пайтда Милошевич Белграддаги марказий қамоқхонада кун санамоқда. Токи унинг "иши" судга оширилмагунга қадар у шу ерда, бошқа маҳбуслар қатори берилмаган таомларга қаноат қилиб, кун кечирishiга тўғри келади. Адвокатининг айтишича, унинг ҳузурига хотинининг кириб-чиқishiга рухсат этилган.

Ҳўш, 13 йил давлат тепасида турган, ўз даврида маълум нуфузга эга бўлган Слободан Милошевичга қандай айбловлар қўйилмоқда?

Келинг, воқеалик ҳолис назар ташлайлик. Ҳозирда Сербия аҳолиси учун баҳорнинг мусаффо ҳавоси-ю, дўкон пештахталарини томоша қилишдан бошқа баҳраманд бўларлик жиҳат қолмади, ҳисоб. Долларга қаққанда, ўртача 65 доллар иш ҳақи оладиган оддий халқ кундан-кун ўсаятган нархнаво олдиде довадираб қолган. Мамлакат иқтисоди янчили ахволда.

Халқ ва ҳукуматнинг кўпчилик аъзолари бу вазиятнинг бош айбодори деб мамлакатнинг собиқ раҳбари Слободан Милошевични кўрсатмоқдалар. Халқ собиқ президентнинг қилишларидан кун сайин батафсилроқ хабардор бўлиб бормоқда. Милошевич ўмарган миллионлар эндиликда фош бўлиб қоляпти. Халқ нафрати кундан-кунга ортмоқда. Президентлик ваколатини суиистеъмоқ қилиб йиққан сармоёси изларини бугун изкуварлар нафақат Европадан, балки Осиё банкларидан ҳам қидиришмоқда. Жумладан, Греция, Швейцария, Россия, Исроил, Кипр банклариде ҳам Милошевичнинг ҳисоб рақами борлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Лекин Югославиянинг ҳозирги ҳукуматида асосий ўрин тутувчи серб арбобларининг ҳаммаси ҳам Милошевичга нисбатан кескин чора кўриш тарафдори эмаслиги маълум. "Унга нисбатан кўзга тилган жинойи иш сиёсий ўнга айланиб кетмаслиги керак. Мақсадимиз унга қўйилаётган айбларнинг асосли эканлигини исботлаш бўлиши керак", дейди Сербия адлия вазири Владан Батич. Милошевичга қўйилаётган коррупцияга доир айбловлар ҳали ҳолва. Уни геноцид ва сиёсий қотилликларда ҳам айблаганмоқда.

Маълумотларга қараганда, коррупцияда айбланаётган Милошевични беш йиллик қамоқ жазоси кутмоқда. Геноцидга доир айбловлар исботини топгудай бўлса, собиқ диктатор умрининг охиригача озодлик билан видолашади.



Милошевич сақланаётган ҳибсхона.

Хозирча Милошевичга нисбатан қўйилаётган айбловларнинг фақатгина коррупцияга дахлдор томони ўрганилмоқда. Хорватия, Босния ва Косовода содир этилган хунрезликлар масаласига доир ишлар эса негадир кейинга сурилиб келинмоқда.

Маълумки, Югославиядаги ўтган йилги президент сайловлари арафасида АҚШ ҳукумати Милошевич президентлик лавозимидан кетса, мамлакатга 50 млн. доллар миқдориде иқтисодий кўмак берилмагани маълум қилган эди. Энди эса, Вашингтон Милошевич Гаагадаги халқаро трибуналга топширилмас экан, Югославияга ҳеч қандай молиявий ёрдам берилмаслигини таъкидламоқда.

## АВСТРАЛИЯЧА НОРОЗИЛИК

Австралия парламенти биноси олдиде номаълум киши уст-бошига ёқилги қўйиб, ўзига ўт қўйиб юборди. Парламент биноси қуриқлаш хизмати ходимлари оловни ўчиришга ва ёнаётган эркакнинг ҳаётини сақлаб қолишга улгурдилар. Яшаш жонига теккан "ўт қўйувчи" тезда госпиталга жўнатилиди. Полиция вакилларининг маълумотларига ишонишга, унинг шахси ва айнан парламент биноси олдиде ўз жонига қасд қилишига нима мажбур қилганлиги ҳали аниқ эмас.

## АҚШ ДИПЛОМАТЛАРИ ХИТОЙДА

Хитой қирувчи самолёти билан тўқнашудан кейин Хайнан оролига мажбуран қўндирилган АҚШ ҲДКнинг жосус самолёти экипажи аъзоларини озод қилиш ниятида бир ғуруҳ америкалик дипломатлар мамлакат жанубига етиб келишди.

Содир бўлган фалокатда ҳар икки томон ҳам бир-бирини айбламोқда. АҚШнинг Пекиндаги элчиси адмирал Жозеф Прээр журналистларга берган интервьюсида Хитой ҳукумати Америка вакилларининг экипаж аъзолари билан мулоқот қилишларига рухсат бермаганлигини маълум қилган. Бунинг устига Хитой томони уларни "ўлжа" бўлиб турган самолётнинг яқинига ҳам йўлатмапти. Би-Би-Сининг АҚШ Давлат департаментидеги мухбирининг таъкидлашича, Пекин ва Вашингтон ўртасидеги ўзаро ишонсизлик Президент Буш Хитойга истиқболдаги шерик эмас, рақиб сифатида қарашини билдирганидан кейин янада кескин тус олган.



Бразилиянинг Сан-Паулу полицияси Жанубий Америкадаги энг йирик ҳисобланган Карандиру қамоқхонасига олиб борувчи ер ости йўли (туннель)ни аниқлашга муваффақ бўлган. Полиция раҳбарининг айтишича, 40 метрлик ушбу ер ости йўли қамоқхона комплексига яқин бўлган уйнинг ертўласидан бошланган. Ер ости йўли қамоқхона биноси деворларига қадар етиб келган, қолганига эса улгуришмаган. Дарҳол уй эгалари - икки эркак ва бир аёл ҳибсга олинган.

## "НАЖОТ ЙЎЛИ" ФОШ ЭТИЛДИ

Айни пайтда 7 мингдан зиёд озодликдан маҳрум қилинганлар жазо муддатини ўтаётган Карандиру қамоқхонаси февраль ойида қатта шов-шувга сабаб бўлган маҳбуслар исёнида марказий ўрин тутган эди.

## БИЗНЕСНИНГ ЯНГИ ТУРИ

Италия полицияси мамлакат шимолида икки кишини майит ўғирлаганликда гумон қилиб ҳибсга олган. Гап шундаки, икки ҳафта бурун италиялик афсонавий банкир Энрико Куччининг жасади номаълум одамлар томонидан ўғирлаб кетилган эди. Ҳибсга олинганлардан бири жасад солинган тобутни полицияга топиб берган. Жиноятчилар уни Турин вилоятининг ғарбидеги тоғли қишлоқлардан биридаги омборхонага яшириб қўйган экан.

Дастлаб полиция бу маҳаллий ҳаваскор тўдаларнинг иши, деб қараётган эди. Кейинроқ Куччилар хонадонига майитнинг жойига қайтарилиши эвазига пул талаб қилинган хатлар кела бошлаган, полиция бу иш анча жуддийлигига амин бўлди.

Марҳумнинг жасади Куччилар хонадонининг Мажiore денгизи бўйидаги оилавий қўйиндисидан ўғирлаб кетилган. Кўпчилик молиячиларга маълумки, Энрико Куччи "Медиобанк"ка асос солган ва Италия тарихидаги энг бой кишилардан ҳисобланган. (Шунга қараб ундан қолган мерос ҳақида ҳам тасаввур қилиш қийин эмас.) Уни Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Италия иқтисодини оёққа турғизишда асосий ўрин тутган шахслардан бири сифатида эътироф этишади. Энрико Куччи ўтган йилнинг ёзида 92 ёшида вафот этган эди. Тириклигида шов-шувлар қуришовида юрган молиячи, вафотидан сўнг ҳам эътибордан қолмаси келмаган кўринади.



РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«ОҚ ЙЎЛ»

очик турдаги ҳиссадорлик жамияти

2000 йил

37 миллион 656 минг сўм даромад билан яқунланди.

олинган соф фойда 2 миллион 342 минг сўмни ташкил этди.

дивидентлар учун 1 миллион 406 минг сўм ажратилди.

Биз барча турдаги корхона ва ташкилотларга шартнома асосида авто-трактор хизмати кўрсатишга тайёрмиз.

Манзилмиз: Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний шаҳри. «Оқ йўл» ҳиссадорлик жамияти.

Телефонлар: 524-53-72, 524-78-82.

## ЎТГАНЛАРИНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратурасининг собиқ ходими

**А. ГОЛУБЕНКО**нинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила-аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жамоаси Республика прокуратурасининг бўлим прокурори Ш. Икромовга акаси

**Д. ИКРОМОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан қуқур таъзия билдиради.

**ДЕТЕКТИВ**



**Америкалик ёзувчи Майн Риднинг «Тақдир азал» романидан парча**

Генри бармоғидан айрилганидан кейинги иккинчи кечада қўлини латта билан боғлаб олиб, ўзининг қаттиқ ўрнида ухлаш учун ҳаракат қиларди. Уни эндигина енгил уйку босиб кела бошлаган дамда, пешона-сига қандайдир қаттиқ жисм келиб тушди. Кейин полга яна нимадир тушди. Қоронги хона туйнугидан тушаётган юлдузлар шуъласида туткун қандайдир оқ жисми пайкади. Бу — иккамгина қилиб ўралган қоғоз парчаси эди. Генри қоғозни қўлига олди ва дарчадан кўз узмай нима бўлишини кутарди. Ярим соат чамаси самарасиз кутгач, ўша жисмни қидира бошлади. Полни синчиклаб қидириб, тери қинидаги пичоққа дуч келди. Худди шундай пичоқни у қароқчилар белбоғида кўрган эди. Бу қандай совға?! Ушбу сирни хат очиб бериши мумкин эди. Генри тонг отишини сабрсизлик билан кутди: Тонг ёриша бошлаши биланоқ ўзини дарча ёруғига урди ва хатни ўқиб бошлади. Хат италян тилида ёзилган бўлиб, мазмуни қуйидагича эди:

“Сиз фақат шифт орқали қочишингиз мумкин, пичоқ сизга туйнук очига ёрдам беради. Уйнинг орқа томонидан тушинг. Олд томонида қўрқчи туради. Кейин дарча томонга юринг. Адашиб қолишдан қўрсангиз, ёруғ юлдузга қараб юр. Дарага кирверишида соқчи турибди, сиз ундан айланиб ўтишингиз мумкин. Тоғ бошланишидаги соқчининг диққатини тортмай ўтишингиз иложи йўқ, у ўзининг ҳар бир хатоси ўлим билан тақдирланишини билади, шу сабабли пичоқни ишга солишингизга тўғри келади. Яхшиси, тонгча бирорта гўрда яширинганингиз маъқул. Эрта тонгда соқчи лагерга қайтади. Сиз уни ўпказиб юбориб, ўша қишлоққа қараб қочинг. Қайсики, бу ерга келишда тўхтаган жойингизга. Ўзингизни ва Лүчетте Терреанини кўтаринг!”


Еш йигитнинг ҳаяжони шу даражада юқори эди-ки, у қуйида ёзилганларни кўрмай ҳам қолди. “Агарда сиз ушбу хатни ёзганни қурбон қилмоқчи бўлсангиз, уни ютиб юборинг”. Қоғозга қайта кўз югуртириб чиққан Генри ёзувчининг маслаҳатини сўзсиз бажарди.

Генри ўйлаиб қолди, хатни ёзган одам ким бўлиши мумкин? Ҳаёлига биринчи келган нарсаси «қочишимдан фойдаланиб ўлдириш учун Корвино томонидан қўйилган тузоқ эмасмикан» деган ўй бўлди. Қароқчи уни шундоқ ҳам ҳеч қандай асосиз ўлдириши мумкин. Генералдан муҳим жавоб келгунча ҳаётини сақласа керак. Қароқчилар ичда хушфелроғи Томассо. Лекин, Томассони бундай йўл тутишга нима мажбур қилди экан? Генри хатнинг сўнгги сатрларини ўйлади: “Лүчетте Терреанини кўтаринг!” Бу сўзларнинг Томассога нима алоқаси бор? Нима бўлганда ҳам узоқ ўйлашнинг мавриди эмас, ишга киришиш керак. Шунинг учун йигит хонанинг шифтини диққат билан кўздан кечирди. У пичоққа енгил ён берадиган жойни аниқлади. Шифтга қандай етса бўлади? У қўлини бор бўйича узатиб кўрди. Яна бир фугча етмаепти. “Эҳтиёж — кашфиётнинг онаси”, деб айтилган эски маталда. У зиндонга яна бир бор кўз югуртириб, ўрин жой — похолда тўхтади. Уни бир жойга йиғиб, супа сифатида фойдаланса бўлади, деб ўйлади. Қоровулда шубҳа уйғотмаслик учун кечгача кутушни лозим топди. Кечки овқатни олиб келган қароқчи чиқиб кетиши биланоқ, йигитча похолларни бир жойга йиғиб, устига чиқди ва қўлидаги пичоқни ишга солди.

Абдулазиз ҲАСАНОВ таржимаси

(Охири.)

**КРОССВОРД**



**Энига:**  
7. Дарахт-гул. 8. Буюк олмон физиги. 11. Наҳанг. 15. Ёзда пишириладиган ҳамир овқат. 17. Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати раҳнамоларидан бири. 19. Бировнинг асарини ўзиники қилиб кўрсатувчи, адабий ўғри. 20. Қоровулларнинг шаклдоғи. 21. Жанубий Осиёда яшайдиган ўрқачли ҳўкиз. 22. Африка кийиги. 23. Мажбурият, бурч. 24. Қонун чиқарувчи олий давлат органи. 26. Немис физиги. 29. Гомернинг қаҳрамонлик достони. 33. Фаройиб, ажабтовур. 35. Ойбек асари. 36. Халққа оид маънони билдирувчи кўшма сўз бўлаги. 37. Жаҳон, дунё. 38. Кийим, устбош. 39. Тошкент вилоятидаги кўл. 40. Скандинавиядаги пойтахт шаҳар. 42. Энг яхши, энг юқори. 43. Маъноси ўхшаш сўзлар. 44. 17-асрда яшаб, ижод қилган туркман шоири. 46. Инсоннинг ички дунеси. 52. Гилоф. 54. “Фариблар” драмасининг муаллифи. 58. Фарбий Осиёдаги давлат. 59. Кир ювиш воситаси. 60. Хориж автомобиль русуми. 61. Африкадаги давлат. 62. Сиққиклик, сиққуга олиш. 63. Отанинг опаси ёки синглиси. 64. Инсоннинг бирон ишни бажаришга қаратилган онгли интилиши. 66. Черков ходими. 69. Қадимги тош асри. 70. 1994 йил “Дунё гўзали” бўлган хинд киноолдуси.

**Бўйига:**

1. Еввойи ўсимлик. 2. Чайла. 3. 2000 йил “Европадаги энг яхши ўйинчи” деб ном олган футболчи. 4. Кўзгу. 5. Кремнийли чўкинди тоғ жинси. 6. Ангишвонагулнинг яна бир номи. 9. Франция ва Италия давлатлари армиясида кичик командирлар унвони. 10. Лойка, қум-тулроқ аралашган сув. 12. Қариб денгиздаги оролда жойлашган давлат. 13. Асарнинг бирор боби, қисми. 14. Қуюқ шарбат. 16. Франциядаги дарё. 18. Ўзбек халқ қўлиридан бири. 20. Никоҳнинг шарый бекор қилиниши. 25. Тоғ кийиги. 27. Мафкура. 28. Асар ҳақида қисқача маълумот. 30. Ҳўсбодан ташқари, мустасно. 31. Француз минералог Доломье номи билан аталган минерал. 32. 16-асрда ижод этган Урта Осиёлик шоир. 34. Сельтисмонлар оиласига мансуб балик. 41. Тоби йўқ, касал. 45. Югославиядаги шаҳар. 47. Ғоя, таълимот. 48. Хинд бадиий фильми. 49. Химиявий модда. 50. Жанжал, тортишув. 51. Олма нави. 53. Хушбўй суюқлик. 55. Намоздаги амл. 56. Почта сўзи (шевада). 57. Хашак, беда майдалайдиган асбоб. 64. Чора, даво, тадбир. 65. Ҳар соҳанинг билимдони. 67. Бировга берилган нарсани номуносиб деб билиш. 68. Бобо, катта ота.

Тузувчи: Н. ЛУТФУЛЛАЕВА

**Газетанинг ўтган сониде берилган кроссворд жавоблари:**

**Энига:** 2. Биология. 5. Бакалавр. 9. Кандидат. 13. Новвот. 14. Апатит. 15. Маникоор. 17. Бригада. 19. Иншоот. 20. Азамат. 21. Хотариус. 22. Тулки. 24. Идрок. 26. Корт. 28. Габон. 29. Авлод. 32. Ибодат. 34. Сафари. 36. Оператор. 37. Демокрит. 40. Диана. 41. Ралли. 43. Адресант. 45. Расстрата. 48. Танқид. 50. Ижозат. 53. Март. 54. Ана. 55. Фонотека. 57. Мош. 58. Вазият. 60. Жаннат. 61. Атланта. 63. Ондатра. 65. Райхон. 66. Наштар. 68. Имзо. 69. Қўрқ. 71. Така. 73. Капгир. 74. Люстра. 75. Табассум. 76. Астронавт. 80. Аргентина. 84. Ривоят. 85. Импорт. 86. Сартарош. 87. Инверкаргилл. 88. Пшайаион.

**Бўйига:**

1. Сандиқ. 3. Ободончилик. 4. Гармдори. 5. Балкон. 6. Каср. 7. Азоб. 8. Ремикс. 10. Наманган. 11. Депозитарий. 12. Цитата. 16. Накорат. 18. Автобус. 22. Тамадди. 23. Ларриима. 25. Клеопатра. 26. Комета. 27. Тостер. 28. Гибралтар. 30. Лимонад. 31. Диаметр. 33. Олти. 35. Анод. 38. Ренда. 39. Томорқа. 40. Дағдага. 42. Иброҳим. 43. Алпомши. 44. Радио. 46. Самандар. 47. Антрекот. 48. Тановар. 49. Қарши. 51. Осмон. 52. Трактор. 55. Финал. 56. Аддендум. 59. Танқир. 60. Жанжал. 62. Танометр. 64. Ректорат. 67. Ятак. 69. Кабутар. 70. Кассиар. 72. Малак. 77. Тоир. 78. Оила. 79. Алья. 81. Гифу. 82. Наша. 83. Ишим.

**Моҳият**  
**Дўстликни ҳақоратлаш — бу доноликдан узоқлашидир.**  
Ш. РУСТАВЕЛИ,  
грузин шоири



Тўқнашув!

**ЛАТИФАЛАР**

Тўтиқуш сотиб ўтирган аёлдан болакай сўраяпти:  
— Нега тўтиқушнинг бир оёғига қизил, бирига эса кўк лента боғлаб қўйгансиз?  
— Биласанми, агар қизил лентани тортсанг у немисча гапирди, кўкни тортсанг инглизча гапирди.  
— Иккаласидан ҳам бирдай тортсам нима бўлади?  
— Шуниям билмайсанми, йиқилиб тушаман-ку, аҳмоқ, — тўтиқушнинг ўзи жавоб бериб қўя қолди.


Судья:  
— Судланувчи, сиз ўғирликни бир ўзингиз қилдингизми ёки шеригингиз ҳам бормиди?  
— Албатта, бир ўзим, жаноб судья.  
— Сабаб?  
— Ўзингиз яхши биласиз-ку, ҳозирги пайтда ҳалол шерик топиш қийин...

**ЮЛДУЗЛАР ҲАЁТИ**

**ЖУЛИЯ РОБЕРТС**

Америка киноакадемиясининг олий мукофоти — “Оскар” соврини топирилиши арафасида кўплаб кинотанқидчилар ва кино мухлислари ушбу нуфузли мукофотнинг “Энг яхши аёл роли учун” номинациясига Жулия Робертс номзоди муносиб, деган фикрда эдилар. Ва шундай бўлди ҳам. Жулия “Эрин Брокович” фильмида яратган образи учун “Оскар” билан тақдирланди.

Муболагасиз айтганда, юқорида номи тилга олинган картинадаги ҳуқуқшунсо аёл ва ёлғиз она ролини қўйилмаком қилиб ижро этган Жулияга маҳорати қатор совринлар олиб келди. Жумладан у анча-мунча киноолдузлар орзу қиладиган “Олтин глобус”ни қўлга киритди. Буюк Британиянинг кино ва телесанъат академияси ҳам актрисани ўзининг олий мукофоти билан сийлади.



Аксарият киномухлис-лар Жулия “Оскар” мукофоти билан аллақачонлар тақдирланиши лозимлигини таъкидлаб келишди. 1989 йилда биринчи марта унинг номзоди

ушбу нуфузли совринга Steel Magnolias фильмидаги роли учун тавсия қилинган-ди. Аммо улоқни бошқалар илиб кетади. Охириги 10-15 йил ичдаги энг оммавий филми лардан бири сифатида баҳоланаётган Pretty Woman картинаси баъзи сабабларга кўра фильм суратта олинганидан сўнг орадан етти йил ўтгач, мухлислар эътиборига ҳавола этилади. Ушбу фильмида Жулия Робертс энгилтак қиз ролини ижро этади. Бу сафар ҳам актрисани “Оскар”га номзод сифатида тавсия қилишади. Лекин яна муваффақиятсизлик.

Ва ниҳоят, иқбол кўеши Жулиянинг осмониде ҳам порлади. Актрисага ҳеч “тутқич” бераётган “Оскар” энди унинг кўллариде порлаб турарди.

Робертс молиявий ҳолат бўйича Ҳолливуд актрисаларидан ҳеч бирига насиб этмаган натижага эришган. Унинг 82,8 млн. АҚШ долларига эгаллиги бунинг исботидир.